

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
3-iyun
CHORSHANBA
№ 45-46 (13906-07)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июнь куни “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркига ташриф буюриб, бир қатор корхоналар фаолияти билан таъминоти ҳамда кимё саноатини жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб технопаркдаги “Kmita Polymers” корхонасида бўлди.

Россиянинг “Polymers” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур лойиҳа махсус ва кенг ассортиментдаги полиэтилен плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бундай плёнкалар замонавий иқтисодийнинг кўзга кўринмай диган, ammo жуда муҳим бўғинларидан биридир. Бугун озик-овқат маҳсулотлари, маиший техника, қурилиш материаллари, фармацевтика воситалари ва турли саноат товарларининг бозорга хавфсиз етказилиши, ташқи таъсирлардан муҳофазаланиши кўп жиҳатдан замонавий қадоқлаш технологияларига боғлиқ.

6 минг 670 квадрат метр майдонни эгаллаган корхонада Италиянинг замонавий технологик ускуналари асосида кенг ассорти-

ментдаги полимер ва термоқискарувчи плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Унинг ишга туширилиши натижасида 9,5 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланмоқда.

Лойиҳа икки босқичли кенгайтириш дастури асосида амалга оширилмоқда. Инвестицияларнинг умумий қиймати 15,2 миллион долларни ташкил этади. Унинг биринчи босқичида 7,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди.

Лойиҳа доирасида 50 та янги иш ўрни яратилди. Кейинги босқичларда иш ўринлари сони янада кўпайиши кўтилмоқда.

2025 йилда бу ерда 115 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш дастури асосида амалга оширилмоқда. Инвестицияларнинг умумий қиймати 15,2 миллион долларни ташкил этади. Унинг биринчи босқичида 7,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶



МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 28 майдаги “Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ўзининг кўп йиллик самарали илмий-ижодий фаолияти, ёрқин ва бетакрор истеъдоди билан халқимизнинг маданий, бадиий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, миллий маънавиятимизни бойитиш, мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантириш, асрий анъаналаримиз, бой меросимизни асраб-авайлаш ва Янги Ўзбекистонни жаҳон миқёсида тарғиб этишга қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, эзгулик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳорат ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, фарзандларимизни она юртга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги катта ҳизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа ходимлари фахрий унвон, ордён ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири”
Фахрий унвони билан
Салимова Шарира – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

“Дўстлик” ордени билан
Баймуратов Ашурукл – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Вахрушева Нина Семеновна – Бўстонлик тумани маданият бўлимининг “Қизил чиннигул” фахрийлар хор жамоаси бадиий раҳбари
Ганиев Анваржон Жумабаевич – Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси
Исмиямина Турсина Саттаровна – Олмалик шаҳар маданият бўлимининг “Навбахор” фольклор-этнографик халқ жамоаси раҳбари

“Шухрат” медали билан
Мойдинов Эргашбой – Янгийул тумани маданият бўлимининг “Маржона” дорбозлар жамоаси режиссёри
Холов Зоҳиджон Аширмат ўғли – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси, шоир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 28 майдаги “Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган марҳум ижодкорлар мукофотланди:

“Меҳнат шухрати” ордени билан
Отахонов Очилхон – Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янги мазмун билан бойиб бормоқда. Бу жараёнда ҳудудлараро ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ана шу эзгу анъананинг мантиқий давоми сифатида Туркистон вилояти ҳокими Нуралхон Қушеров бўлимидаги делегация Тошкент вилоятига ташриф буюрди. Икки кунлик ташриф давомида иқтисодий, инвестиция, саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди.

Делегацияни “Навоий” чеғара-божхона постида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Отабек Турсунов ва Тошкент тумани ҳокими Сардор Эргашев бошчилигидаги мутасаддилар қарши олди. Кейинги тадбирларда делегация-

Тошкент вилояти – Туркистон: Яқин қўшничиликнинг АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ



га вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ҳамроҳлик қилди.

Туркистон вилояти делегацияси таркибида туман ҳокимлари, соҳавий бошқармалар раҳбарлари, иқтисодий зона ва туризм соҳаси вакиллари, шунингдек, қишлоқ

хўжалиги, озик-овқат саноати, тўқимачилик, машинасозлик, қурилиш материаллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

(Давоми 3-саҳифада) ▶

▼ Янги Ўзбекистон руҳи

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ: ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН МАЪНАВИЙ ИМЗО

Тараддуд ҳаяжони

Оламдаги жамики эзгу ишлар, барча бунёдкор ҳаракатлар дастлаб яхши ниятдан, хушхабардан бошланиши ҳақ гап. Агар инсон кўнглида бир ёруғ орзу туғилса, у кун келиб, албатта, ҳаётий воқеликка айланади.

Бекобод тумани бўйлаб сўнгги бир йилда жадал суръатларда бошланган бир-бирдан қувончли воқеалар, одамлар кўз ўнгига содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, хонадонларга, оилалар турмуш шароитига кириб бораётган халқчил ислохотлар меваси – буларнинг бари китобларга сиймайди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

Ўз йилликка туташган овоз

Шундай ноёб овозлар борки, улар эгаларидан сўнг ҳам йиллар, ҳатто асрлар оша халқ хотирасида яшайди. Ўзбекистон халқ ҳофиси Очилхон Отахоновнинг овози ҳам ана шундай барҳаёт садолардан.

▼ Эҳтиром

Очилхон Отахонов ҳаёт бўлганида бу йил юз ёшга қарши олган бўлар эди.


Бироқ ҳақиқий санъаткорларнинг умри тақвим билан эмас, халққа қолдирган

маънавий мероси билан ўлчанади.

Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги Найнаво қишлоғида дунёга келган бўлажак ҳофизнинг болалиги меҳнат билан ўтди. Кейинчалик оиласи билан Янгийул туманига кўчиб келган йигитнинг қалбида санъатга

меҳр кун сайин кучайиб борди. Уша йилларда Журохон Султонов ва Маъмуржон Узоқов ижроларини қайта-қайта тинглаб, уларга жўр бўлиб юрган йигит бир куни ўзининг ҳам халқ ардоғидаги санъаткорга айланишини эҳтимол тасаввур ҳам қилмагандир.

6



Корхона ишлаб чиқараётган полимер махсулотлар Coca-Cola, Pepsi, Flash, "Черноголовка", Askerman, Asl Oyna, Biolife va Family Group каби йирик брендларнинг қадоқлаш тизимларида маҳаллий хом ашё сифатида қўлланилмоқда.

Қадоқлаш индустрияси замонавий санатнинг энг тез ривожланаётган йўналишларидан бири экани таъкидланди. Чунки махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб борган сари уни хавфсиз сақлаш, ташиниш ва бозорга етказиб бериш талаблари ҳам кучаяётгани қайд этилди.

Шу маънода, бундай корхоналар сонининг кўпайиши нафақат бир тармоқнинг ривожланишига, балки озиқ-овқат саноти, қурилиш, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларнинг барқарор ишлашига ҳам хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркидаги "NovoPlast TPE" корхонасига борди.

Лойиҳа Россиянинг "VR Plast" корхонаси билан ҳамкорликда 4 минг 200 квадрат метр майдонда амалга оширилган. Унинг умумий қиймати 5,4 миллион долларни ташкил этади.

Корхонада замонавий лаборатория ва инновацион ишлаб чиқариш линиялари йўлга қўйилган. Бугунги кунда у термопластик эластомер гранулалар ва улардан тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий етакчилардан бири сифатида фаолият юритмоқда.

Бу ерда юқори сифатли термоэластомерлар, эшик ва ромлар учун зичлағичлар, техник ҳамда озиқ-овқат саноти учун мўлжалланган шланглар, шуниингдек, қурилиш ва электротехника тармоқлари учун турли полимер махсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг асосий афзаллиги уларнинг мустаҳкамлиги, деформацияга чидамлилиги ва ташқи муҳит таъсирига юқори бардошлилиги ҳисобланади. Шу сабабли мазкур махсулотлар қурилиш, автомобиль саноти, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳамда электротехника соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Корхона таркибиде замонавий тадқиқот маркази фаолият юритади. Бу ерда Осиё ва Европа бозорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда термоэластоластарнинг янги рецептуралари ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, тайёр гранулалар, зичлағичлар ва юқори босимли шланглар халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказилади.

58 та янги иш ўрни яратилиб, ўтган йил якунларига кўра, бу ерда 103 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 5 миллион долларлик махсулот экспорт қилинди.

Корхона фаолиятининг яна бир муҳим натижаси импорт ўрнини босиш билан боғлиқ. Хусусан, 2025 йилда 8,5 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарилди.

Келгусида корхона махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 177 миллиард сўмга ҳамда экспорт улушини 60 фоизга етказишни мақсад қилган. Бу режалар амалга оширилса, корхона нафақат маҳаллий бозор эҳтиёжларини қондириши, балки Марказий Осиё ва бошқа ташқи бозорларда ҳам ўз мавқени янада мустаҳкамлаши мумкин.

"Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркига ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев "BCG Group OZ" корхонаси билан танишди.

Маиший ва автомобиль кимёси кундалик турмуш ва транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган кимёвий воситалар ҳисобланади. Ўзбекистонда бу турдаги махсулотларнинг катта қисми импорт қилинади.

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

эди, ammo бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда.

"BCG Group OZ" корхонаси айни кунда кенг асортиментда маиший ва автомобиль кимё махсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади.

Умумий қиймати 6 миллион долларлик лойиҳа доирасида россиялик ҳамкор билан ташкил этилган корхонада 80 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

80 дан ортиқ турдаги махсулотлар, жумладан, автокимё ва автокосметика, меҳмонхона, ресторан ва санат учун профессионал клининг воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Биргина ўтган йилда 176 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 2,6 миллион долларлик махсулот экспорт қилинган.

учун қулай муҳит яратиш мақсадида хизмат қилмоқда. Умумий майдони 26,4 гектар бўлган ҳудудда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва замонавий инфратузилмани шакллантиришга 25 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Технопаркининг инвестициявий жозибadorлиги аниқ рақамларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2025 йилда 56 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, 758 та янги иш ўрни яратилди. Йил давомида корхоналар томонидан 60 миллион долларлик 150 дан ортиқ турдаги махсулот ишлаб чиқарилди.

Келгуси режалар ҳам улкан. 2030 йилга қадар инвестициялар ҳажмини 207 миллион долларга, товар махсулоти ишлаб чиқариш-ни 294 миллион долларга, экспорт-ни 48 миллион долларга етказиш

қондириш ва импорт ўрнини босишга хизмат қилади.

Маиший кимё соҳасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Инвестиция лойиҳалари орқали импорт ҳажмини икки баробарга қисқартириш, ички истеъмолни маҳаллий махсулотлар ҳисобига 64 фоизгача етказиш ва экспорт кўрсаткичларини ошириш кўзда тутилган.

Сўнг шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кимё саноти-ни жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳалари-ни амалга ошириш бўйича вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Иқтисодийётимиз жадал ривожланиб, сўнгги йилларда санат тармоқларида 3 минг турдаги янги махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани таъкидланди.

"Ўзкимёсанот" акциядорлик жамияти асосан ўз тизимидаги йирик корхоналар билан чеклиб қолган бўлиб, соҳадаги 5 мингдан ортиқ корхона билан тизимли ишлаш, уларнинг муаммо ва тақлифларини эшитиш сустиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда махсулотлар таркибини ўзгартириш, қўшилган қийматни ошириш ва энергия сарфини камайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда йилига 1,5 миллион тонна аммиакли селитра ишлаб чиқарилиб, бунга 1 миллиард 70 миллион куб метр газ сарфланмоқда. Шу билан бирга, илгор давлатлар селитра истеъмолини камайтириб, қишлоқ хўжалигида карбамид ва сувда эрувчан ўғитлар, тоғ-кон санотида эса говаксимон селитрадан фойдаланишга ўтмоқда.

ашёсини қайта ишлаш бўйича камида 200 миллион долларлик лойиҳаларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизга йилига 300 миллион долларлик маиший кимё махсулотлари импорт қилинмоқда. Минтақада эса бундай махсулотлар учун 2 миллиард долларлик бозор мавжуд.

Мисол учун, "Ангрен" эркин иқтисодий зонасидаги тадбиркор дунёда машҳур "Henkel" компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳозир ушбу корхона "Henkel" томонидан сотиб олинган бўлиб, бу ердан Ҳамдустлик давлатларига махсулот етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Бундай лойиҳаларни кўпайтириш мақсадида пойтахтдаги санат зоналаридан биридаги майдонлар маиший кимё лойиҳалари учун ажратилади. Ишга туширилган корхоналарни бренди билан бирга тайёр даромадли бизнес сифатида хусусий секторга сотиш шарти билан ушбу йўналишга 50 миллион доллар йўналтирилади.

Бошқа вилоятлардаги шундай лойиҳалар учун Санат кооперацияси жамғармасидан 15 миллион доллар ажратилади. Умуман, мутасаддиларга маиший кимёда камида 100 та янги бренд махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда минерал ўғитлар бозоридеги имкониятлар ҳам таҳлил қилинди.

Дунёда минерал ўғитларга талаб йилига 5 фоиздан ўсмоқда ва 2030 йилда 260 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Айниқса, янги агротехнологиялар ҳисобига сувда эрувчан ўғитларга эҳтиёж кескин ортиб бормоқда.

Келгуси уч йилда соҳа масъуллари ва ҳокимлар олдида 2 миллиард 800 миллион долларлик 42 та лойиҳаларни тушириш вазифаси турибди. Бу орқали 2030 йилга бориб, азотли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2,8 миллион тоннадан 4 миллион тоннага, фосфорли ўғитларни 400 минг тоннадан 900 минг тоннага, сувда эрувчан ўғитларни 100 минг тоннадан 400 минг тоннага етказиш мумкинлиги таъкидланди.

Сувда эрувчан ўғитлар, полимерлар, маиший ва ноорганик кимё бўйича режалаштирилган йирик лойиҳалар ҳисобидан нанокимё, "яшил" кимё, супермолекуляр кимё, сунъий интеллект асосида кимёвий моделлаштириш каби замонавий йўналишларда кадрларга талаб ортиши таъкидланди.

Шу муносабат билан кимё санотида таълим, тадқиқот, лаборатория ва стартапларни қамраб олган яхлит тизим яратилиши белгиланди.

Бунинг учун Мирзо Улугбек туманидаги 60 гектар майдонда кимё саноти учун инновацион илмий-ишлаб чиқариш ва таълим кластери ташкил этилади. Ушбу кластерда Жанубий Корея билан ҳамкорликда Кимё технологиялари инновация маркази барпо қилинади. Марказда таъриб-синов ишлари билан боғлиқ харажатларнинг ярми қоплаб берилди.

Умуман, кимё санотида 17 миллиард долларлик 350 дан зиёд лойиҳани ишга тушириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, амалий ишларни бошлаш топширилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу катта марраларга эришиш учун соҳани илмий асосланган ва замонавий ёндашулар асосида бошқариш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан "Ўзкимёсанот"ни трансформация қилиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш давомида кимё саноти масъуллари ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, тармоқда фаолият юритаётган корхоналар раҳбарлари билан мулоқот бўлиб ўтди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Ўза Махсус мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

14,7 миллион долларлик махсулот импорт ўрнини босди.

Махсулотларнинг сифати миллион ва халқаро ҳужжатлар, хусусан, ISO 9001, "Халол" ҳамда МДХ давлатлари сертификатлари билан таъкидланди.

Ишлаб чиқариш жараёнида сифат назорати хом ашёдан бошлаб тайёр махсулотгача бўлган босқичларни қамраб олади. Лабораторияда хом ашёнинг техник талабларга мувофиқлиги, махсулотнинг қувушқоқлиги, рН кўрсаткичи, зичлиги ва самардорлиги текширилади.

Бугунги кунда корхона махсулотлари Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Афғонистон каби қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхона келгусида махсулотларнинг ҳажмини 294 миллиард сўмга етказишни мақсад қилган. Бу билан бирга, тайёр гранулалар, зичлағичлар ва юқори босимли шланглар халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказилади.



Санатни модернизация қилиш, юқори қўшилган қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодиёт ривожининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Шу мақсадда ташкил этилган "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки бугунги кунда соҳадаги янги

ҳамда иш ўринлари сонини 2 минг 300 тага ошириш белгиланган.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёевга технопарк фаолияти, шуниингдек, кимё саноти ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий лойиҳалар тақдимот қилинди.

Бугунги кунда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш аграр сектор барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Йилига 3,7 миллион тонна ўғит ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, импорт қилинаётган фосфорли ва сувда эрувчан ўғитларга бўлган талаб тармоқни янада модернизация қилишни тақозо этмоқда. Бу борада 2,8 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилган.



Аммиакли селитра билан таннархи бир хил бўлган говаксимон селитрада қўшилган қиймат 2 баробар юқори. Мутасаддилар ва кимё корхоналари раҳбарлари бундай лойиҳаларни кўпайтириш ҳақида жиддий ўйлаши кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, "Навоийазот"да ишлаб чиқарилаётган 1 тонна циан тузининг нархи 3 минг 700 доллар бўлса, ундан елим ишлаб чиқарилаётган қиймати 8 минг долларгача ошиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Масъулларга "Навоийазот" ёнидаги кластерда 1 миллиард долларлик 10 та кам тоннали кимё лойиҳасини бошлаш топширилди.

Геологияда мавжуд захираларни тўлиқ ишга солиш орқали ҳам қўшилган қийматни бир неча баробар ошириш мумкинлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоийда 550 миллион тонна натрий ва калий, 20 миллион тонна бентонит захиралари бор.

Ушбу хом ашё чуқур қайта ишланиб, каустик сода ишлаб чиқарилса, қўшилган қиймат 3 баробар ошади.

Жиззахда 1,5 миллион тонна, Қорақалпоғистонда 500 минг тонна серпентинит захираси аниқланган. Унга сульфат кислотаси билан ишлов берилса, тоннаси 5 минг долларгача бўлган магний оксиди олиш мумкин. Серпентинит янада чуқур қайта ишланса, никель, хром ва кобальт олиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса электротехника саноти учун муҳим хом ашё ҳисобланади.

Мутасаддиларга фосфорит, галит, мирабилит, серпентинит каби кимё саноти учун зарур хом ашё захираларини 2 баробар ошириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш, амалий ишларни бошлаш топширилди. Серпентинит ҳам



авлод санат майдонларидан бири сифатида шаклланиб улгурди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 3 февралдаги тегишли қарори ижроси доирасида барпо этилган мазкур технопарк кимё махсулотларини чуқур қайта ишлаш, илгор технологияларни жорий этиш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар

Нефть-кимё тармоғида эса полимерларга бўлган ички эҳтиёж ортиб бормоқда. 2032 йилга бориб, мазкур эҳтиёж 3,2 миллион тоннага етиши прогноз қилинмоқда. Ангренда "Қумирдан олефинлар олиш" ва Қўнғиротда "Нафтани қайта ишлаш" каби йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши ушбу талабни тўлиқ



Viloyat bo'ylab

OLMALIQ shahrida istiqomat qiluvchi yosh tadbirkor Yoshlar ishlari agentligi ko'magida ajratilgan imtiyozli kredit asosida o'zining mebel ishlab chiqarish korxonasiga asos soldi. Yosh tadbirkorning mehnati va qat'iyati natijasida korxonada yiliga o'rtacha 200 million so'mgacha daromad keltirimoqda.

YANGIYO'L tumani hokimi O.Ataulayev tashabbusi bilan Tibbiyot birlashmasida davolanayotgan bemor bolalar holidan xabar olindi. Tashrif davomida bolajonlarga bayramona kayfiyat ulashilib, turli sovg'alar taqdim etildi. Shuningdek, ularning salomatligi, davolanish jarayonlari va yaratilgan shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishildi.

BO'KA tumanida O'simliklar karantini va himoyasi agentligi tomonidan bo'limi mutaxassislar tomonidan hududlarda monitoring ishlari olib borilmoqda. Mazkur tadbirlar ekinlarni saqlab qolish, hosildorlikni oshirish hamda qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirishda barqarorlikni ta'minlashga xizmat qilmoqda.

QUYI CHIRCHIQ tumanidagi 30-son oilaviy poliklinikasi tomonidan "Bog'iston" mahallasi aholisi uchun chuqurlashirilgan tibbiy ko'rik tashkil etildi. Natijada 9 nafar fuqaroda turli kasalliklar aniqlanib, 5 nafari ambulator sharoitda davolanishga yo'naltirildi, 4 nafari esa bepul dori-darmon vositalari bilan ta'minlandi.

ZANGIOTA tumanidagi "Fayz" mahallasida matematika, fizika, ingliz tili hamda maktabga tayyorlov yo'nalishlarida faoliyat yurituvchi zamonaviy o'quv markazining ochilish marosimi bo'lib o'tdi. Markaz yozgi ta'lim davrida mahalla bolalarining vaqtini samarali o'tkazishi, ularning fanlarga bo'lgan qiziqishini oshirishi hamda iqtidorini rivojlantirishga xizmat qilishi ta'kidlandi.

Тошкент вилояти – Туркистон: Яқин қўшничиликнинг амалий натижалари



Ташрифнинг дастлабки куни меҳмонлар Юқори Чирчиқ туманидаги "Rosen Park" МЧЖ ҳудудда амалга оширилаётган агротуризм лойиҳалари ва инвестициявий ташаббуслар билан танишдилар. Учрашувларда икки давлат раҳбарлари томонидан юриштилаётган очиг ва ишончли қўшничилик сиёсати ҳудудлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқаётгани таъкидланди.

Марказий тадбир Бўстонлик туманидаги "Wyndham Garden Chorvoq Darvoza" мажмуасида ўтказилган халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда икки вилоят раҳбарлари иштирок этиб, икки ҳудуднинг иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикр билдирдилар.

Форум давомида ҳар икки вилоятнинг инвестицион салоҳияти, sanoat зоналари, туризм имкониятлари ва янги бизнес ташаббуслари тақдим этилди. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, sanoat кооперациясини ривожлантириш, инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган меморандум имзоланди.

Бизнес-форум доирасида ташкил этилган B2B учрашувларида тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилиб, янги лойиҳалар ва савдо алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташрифнинг иккинчи куни меҳмонлар вилоятнинг sanoat ва инвестиция объектлари билан танишдилар. Зойир Мирзаев ва Нуралхон Қўшеров Бўстонлик туманидаги "Угам" оромгоҳида бўлиб, у ерда яратилган замонавий шарт-шароитлар, соғломлаштириш ва рекреация хизмат-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



лари билан танишдилар.

Делегация аъзолари, шунингдек, Бўстонлик туманидаги "Escalodo Business" МЧЖ томонидан амалга оширилаётган резавор мевалар етиштириш лойиҳасида малина, қулупнай, қора малина ва голубика каби экспортбоп маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Шунингдек, меҳмонлар Оҳангарон туманидаги "Premier Electrotech", "Enco Group" ва "Vades Group" корхоналари фа-

олияти билан танишиб, маиший техника, юқори кучли кабель маҳсулотлари, мис қувурлар, микропроцессор модуллари ва SIM-карталар ишлаб чиқариш жараёнларини кўздан кечирдилар.

Ташриф давомида делегация Олмалик кон-металлургия комбинатида ҳам бўлиб, жорий йил март ойида ишга туширилган 3-мис бойитиш фабрикаси, "Металлур" маданият саройи ҳамда Қалмоққир қони фаолияти билан танишди. Меҳмонлар корхонада амалга оширилаётган модернизация ишлари ва замонавий технологияларни юқори баҳоладилар.

Икки кунлик ташриф якунида имзоланган меморандум ва эришилган келишувлар Тошкент ва Туркистон вилоятлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўтқир **ҲОШИМОВ**,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Саҳобиддин **РУСТАМОВ** оғлан суратлар

Тошкент вилояти Оққор'он тумани "Бирлик" mahallasida ijtimoiy muammolar joyida individual yondashuv bilan hal etilib, yuzlab insonlar hayoti o'zgaroqda.

"BIRLIK" da birlik bor

"Birlik" mahallasida aholining ijtimoiy farovonligini ta'minlash, muammolari joyida aniqlash hamda individual yondashuv asosida hal etishga qaratilgan keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

Hozir mazkur mahallada 788 ta oila, 640 ta xonadon mavjud bo'lib, 96 nafar nogironligi bo'lgan fuqaro ro'y-xatga olingan. Hududda kompleks ijtimoiy xizmat ko'rsatish tizimi joriy etilgan natijasida aholi bilan manzilli ishlash sifati yaxshilanoqda.

Yil boshidan buyon 150 dan ortiq murojaatlar qabul qilingan bo'lib, ularning 90 foizdan ortig'i ijobiy hal etilgan.

Xususan, mahallada istiqomat qiluvchi Zuhra Umurova baxtsiz hodisa oqibatida oyog'idan jarohat olgan edi. Uch oy davolanishiga qaramay, suyak bitish jarayoni ijobiy natija bermagan. Fuqaroning oilasi "Ijtimoiy reyestr" da ro'y-xatda turgani inobatga olinib, uning sog'lig'ini tiklash uchun zarur bo'lgan jarrohlik amaliyoti uchun "Saxovat va ko'mak" jamg'armasi hisobidan 15 million so'm ajratildi. Qolaversa, unga nogironlik belgilandi, nogironlik aravachasi va hasssa taqdim etildi. Fuqaroning onasi esa doimiy ish bilan ta'minlandi.

Shuningdek, xatlov jara-

yonlari davomida aniqlangan yolg'iz yashovchi yana bir kexsa fuqaro Guljahan Jumanovaga yolg'izlik nafaqasi tayinlanib, "Faol hayotga qadam" dasturi doirasida ijtimoiy assistent birkirtiladi.



Bundan tashqari, reyestrda turgan er-xotinning har ikkisi ham, nogironligi bo'lgan oila ham ijtimoiy qo'llab-quvvatlandi. Ularga davolanish uchun yo'llanma ajratildi. "Saxovat va ko'mak" jamg'armasi tomonidan oziq-ovqat va kiyim-kechak xarid qilish uchun vaucherlar berildi hamda sanatoriya borish uchun navbatga qo'yildi.

Yana bir xonadonda ikki nafar nogironligi bo'lgan shaxs – Tursunoy Po'latova hamda Mahmudjon Po'latovning ijti-

moiy holati o'rganilib, ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda amaliy yordam choralarini ko'rdi.

Jumladan, Tursunoy opa uchun homiylik tomonidan nogironlik aravachasi ajratildi, moddiy yordam tayinlandi. Shuningdek, "Saxovat va ko'mak" jamg'armasi tomonidan oziq-ovqat va kiyim-kechak mahsulotlari bilan ta'minlandi. Uning o'z-o'ziga to'liq xizmat ko'rsata olishi inobatga olinib, kundalik ehtiyojlarida ko'maklashish maqsadida ijtimoiy assistent birkirtiladi.

Bugungi kunda "Birlik"

mahallasida ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalar va nogironligi bo'lgan fuqarolarni qo'llab-quvvatlash, ularning turmush darajasini yaxshilashga qaratilgan ishlar izchil davom ettirilmoqda. Har bir murojaat ortida inson taqdiri turganini chuqur anglagan holda ijtimoiy muammolarni tezkor va samarali hal etishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Umida **BEKMURODOVA**,
"Birlik" mahallasi
ijtimoiy xodimi

"Қайси мамлакат адабиёт ва маданиятга эътибор берса, келажаги мустақкам бўлади. Қайси жамият ижод ва санъатни қадрласа, ўша халқнинг маънавий иммунитетни кучли бўлади".

▼ Дил изхори

Эътироф масъулиятни оширади

Анвар **ҲАНИЕВ**,
"Дўстлик" ордени
соҳиби



– Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонга мувофиқ мен ҳам "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Бу юксак эътирофни, аввало, менга билдирилган катта ишонч ва масъулият сифатида қабул қилдим. Мукофотни кўп йиллик меҳнатим ва ижодий фаолиятимга берилган муносиб баҳо деб биланам.

Маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотда Президентимиз томонидан "Ижодга инвестиция" жамғармасининг ташкил этилиши ҳамда унга ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши ташаббусининг илгари сурилиши ижод аҳли учун янги имкониятлар эшигини очди. Бу ташаббус ёш истеъодларни кашф этиш, ularни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, продюсерлик фаолиятини ривож-

лантиришга қаратилган эътибор миллий санъатимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Учрашувда ашула ва рақс ансамбллари ходимларининг иш ҳақи икки баробар оширилиши, таниқли санъаткор ва ижодкорларга ҳар ой қалам ҳақи тўланиши, шунингдек, транспорт ва тиббий хизматлардан фойдаланиш бўйича қўшимча имтиёзлар яратилиши маълум қилинди. Ижод аҳлига қаратилган бундай юксак эътибор уларнинг масъулиятини янада ошириб, миллий маданият ва санъатимизнинг равангага муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Адабиёт аҳли учун янги имкониятлар даври бошланмоқда

Зоҳиджон **ХОЛОВ**,
"Шўҳрат" медали соҳиби:



– Мамлакатимизда маданият, санъат ва адабиёт соҳаси вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир ижодкор қалбига чуқур миннатдорлик туйғусини уйғотади. Менинг ҳам "Шўҳрат" медали билан тақдирланганим ана шу эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Бу мукофотни шеърят ва адабиёт йўлида қилинган меҳнатимга берилган юксак эътирофдир.

Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган учрашувда ижод аҳлини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Айниқса, адабиёт соҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар биз, қалам аҳлини беҳад қувонтирди. Чунки бу қарорлар нафақат ижодкорларни рағбатлантириш, балки миллий адабиётимизнинг нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Хусусан, ҳар йили энг яхши ижодкорларни тақдирлаш тизимининг жорий этилиши, адабиёт соҳасида муносиб натижага эришган шоир ва ёзувчилар меҳнатига давлат даражасида баҳо берилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ижодкорларни янги изланишлар ва янада салмоқли асарлар яратишга ундайди.

Мен учун яна бир қувонарли янгиллик – шоир ва ёзувчиларга ҳар йили энг сара асарлар учун ижодий буюртмалар берилиши, миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини хоржий тил-

ларга таржима қилиш ҳамда уларни халқаро майдонда кенг тарғиб этиш бўйича белгиланган вазифалар бўлди. Бу ўзбек адабиётининг жаҳон адабий маконида муносиб ўрин эгаллашига замин яратди.

Китоб нашри билан боғлиқ харажатларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам ижодкорлар учун катта енгиллик яратади. Энг муҳими, китобхонликни оммалаштириш, маҳаллаларда кутубхоналар ва китоб дўконларини қўлайтириш бўйича белгиланган чоралар халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Бугун адабиёт аҳлига билдирилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик биздан янада катта масъулият талаб этади. Ишончим комилки, бу имкониятлар миллий адабиётимиз тараққиётида янги саҳифа очди ва ижодкорларни янада улкан марралар сари етаклайди.

Энг катта бахт – шогирдларим ютуғи

Нина **ВАХРУШЕВА**,
"Дўстлик"
ордени соҳиби:



– Бутун умримни мусиқа ва санъатга бағишлаган инсон сифатида бугун ўзгача ҳаяжондаман. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, кейинчалик Бўстонлик тумани "Марказий" маданият марказида олиб борган меҳнат фаолиятим давомида бир ҳақиқат янада яққол намоён бўлди: мусиқа инсон қалбини яқинлаштиради, миллатлар ўртасида дўстлик кўпригини барпо этадиган бекиёс маънавий қудратга эга.

Шу йўлда касбимни чин дилдан севиб, бутун ҳаётимни унга бағишладим. Унлаб шогирдларимнинг ютуқлари, саҳнадаги илк қадамлари мен учун энг катта мукофот эди. "Қизил чиннигул" хор жамоасига бадий раҳбарлик қилиш менга ишониб топширилганда эса асосий мақсадим жамоани янада ривожлантириш, айниқса ёшлар гуруҳини шакллантириб, уларни санъат атофида бирлаштириш бўлди.

Яқинда давлатимиз раҳбари қўларидан "Дўстлик"

орденини олиш бахтига эришганим ҳаётимдаги энг унутилмас онлардан бири бўлди. Бу юксак эътироф менинг шахсий ютуғимгина эмас, балки бутун маданият ва санъат соҳасига, ижодкорлар ва устозларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси, юртимизда санъатга қаратилган улкан ғамхўрликнинг амалдаги тасдиғидир.

Менга билдирилган бу ишонч менинг масъулиятимни янада оширди. Эндиликда янада фидойи бўлиб, бор билим ва тажрибамни ёш авлод тарбиясига, миллий маданиятимизнинг равангага бағишлашни ўзим учун муқаддас бурч деб биланам.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Президентимизнинг туманимизга, унинг 175 минг аҳолисига алоҳида меҳр ва эътибори тўғрисида кейинги бир йил Бекобод тумани учун "катта сакраш" йили бўлди, десак асло муболага бўлмайди. Аввал-бошда бундай ўзгаришлардан ҳайратда бўлган туман аҳли орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ушбу бемисл янгиланишларга энг шимариб қўшилиб кетди.

Қирқ йил орзу қилинган, ота-боболаримиз кўрмай ўтиб кетган мухташам кўприклар битди, пойтахтга олиб борувчи тезорар поездлар учун темир йўл қурилиши бошланди, ўнлаб таълим, маданият ва спорт иншоотлари барпо этилди, 30 минг аҳоли яшашига мўлжалланган "Янги Ўзбекистон" массивига пойдевор қўйиб арафасида турибмиз. Йўллар, электр ва ичимлик сув тармоқлари янгиланди, умрида бозорга ёлчимаган туманга бир эмас, бири-бирига иккита замонавий бозор қурилмоқда.

Ўтган қисқа муддатда жами 51 та маҳалла бинолари ҳавас қилгудек қиёфага келтирилди, улардан 24 таси янгидан бунёд этилди. Атрофда инфратузилма барпо қилиниб, бутун туман ҳудуди жўшқин ҳаёт тарзига ўтди.

Катта-кичик ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, юзлаб хизмат кўрсатиш шохбачалари фаолияти йўлга қўйилиши орқали одамларнинг турмуш сифати яхшиланмоқда, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Зафар шаҳарчасининг қоқ марказида қад кўтарган, Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ақинда очилиш маросими бўлиб ўтган Янги Бекобод марказий майдонининг серватор аркаси, хотира мажмуаси, туман тарихи музейи, энг муҳими, 35 метрли давлат байроғи кун сайин қадр топиб, кўкси тоғдек баланд бўлаётган меҳнаткаш бекободликларнинг ғурури рамзига айланди.

Мана шундай ҳаяжонлар ичра яшаётган пайтимида яна бир хушхабар келдики, Бекобод туманида бошқа соҳалардан асло кам бўлмаган ҳолда маънавий бунёдкорлик ҳам жадал ўсаётганига шубҳа қолмади.

Бундан 9 йил аввал Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Ёш китобхон" танловининг республика финал босқичи туманимизда ўтказилиши ҳар бир бекободлик қалбига чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини жо қилди.

Лекин бу фақат ифтихор эмас, улкан масъулият, бизга билдирилган катта ишончга муносиб жавоб бериш имконияти ҳам эди. Шу боис, нафақат масъул ва мутасаддилар, балки бутун туман аҳли ушбу маърифат байрамини муносиб ҳамда юқори савияда ўтказишга астойдил тайёргарлик кўрдик.

Бир-бирдан кўркам бунёдкорлик иншоотлари сабабли тобора чирой очаетган Бекобод тумани энди яна бир гўзаллик – китобхонлик нафаси ва илм зиёси билан ҳар қачонгидан ҳам ёришиб кетди.

Туманимиз ўртасидан ҳайқириб оқиб ўтган, бир вақтлар устоз Ойбек домлага илҳом улашган Сирдарёнинг сўлим қирғоқлари, Пиримкул Қодиров ва Муҳаммад Али сингари забардаст адибларга таълим-тарбия берган Бекобод кучоғи яна улкан муталоа майдонига айланди.

Биз юртимизнинг 42 нафар энг зукко, азиз фарзандига мезбонлик қилиш шарафига муяссар бўлган эдик. Бекобод китоб ёдусига, илм нурига тўлди. Қурилиш жабҳаларида куну тун меҳнат қилаётган моҳир усталар, далаларда ерга уруғ қадаётган деҳқонлар, ипак қурти бошида бедор бўлган заҳматкаш пиллачилар, бешик тебратаётган келинчалар, нуроний отахон ва онахонлар, қўйинги, ҳамма-ҳаммининг қалбида китоб байрамнинг ҳаяжони уйғонди.



**YOSH
KITOBXON**

раиси, профессор Баҳодир Каримнинг "Қаерда китобхонлар йилгилса, қаерда китоб ҳақида фикр айтилса, ўша жой мамлакатнинг маънавий маркази саналади. Мен бугун Бекобод туманини ана шундай марказ деб биламан. Чунки танловни ҳозиргача пойтахтимизда қандай ўтказган бўлсак, бу ерда ҳам худди шу даражада – юқори савияда ташкил қилинган. Юртимизнинг 14 ҳудудидан келган болалар Бекободда ўтган ушбу танлов ҳақидаги ёрқин таассуротларини ўзлари билан олиб кетади ва умрбод фахрлиниб гапириб юришади", дея эътироф этгани ҳар бир тумандошимиз қалбини тўлқинлантириб юборди.

Жигарбандимиздек бўлиб қолган ёш китобхонлар ва уларнинг хамроҳларини кузатар эканмиз, уларнинг кўзидоғи қувонч ва миннатдорликни кўриб, ўзимизга билдирилган ишончни оз бўлса-да уйдалаганимизга беҳад шод эдик. Яна бир қувонган жиҳатимиз – эртага бу қоракўз ёшлар давлатимиз раҳбари билан учрашиш бахтига муяссар бўлгани эди.

Шу боис, бутун туман аҳли улар билан қайта-қайта суратга тушиб, бемисл ҳавас ва дуолар билан пойтахтга кузатдик.

Эртасига – 22 май кунини ушбу қоракўзларни бутун мамлакатимиз таниди, тан олди ва ҳавас қилди. Юртимиз етакчиси яна бир улкан лойиҳага – Миллий китобхонлик ҳаракатига старт берар экан, аввало, "Ёш китобхон" танлови ва иштирокчиларига алоҳида эътибор қаратди. Тадбир давомида ёшларни табриқлар экан, "Ҳеч қачон унутманглар, азиз ўғил-қизларим! Зиёли ва маърифатли халқни дунёда ҳеч бир куч енга олмайди", дея таъкидлади.

Гарчи асосий соврин – автомашина соҳиблари ҳавас қилган бўлса-да, ўша ерда ҳозир бўлган 42 иштирокчига бирдек насиб қилган олий мукофот бизни хурсанд қилди. Бу мукофот Президент билан учрашиш бахти, бевосита суҳбатлашиш ва бирга суратга тушиш шарафи эди.

Шу ўринда бугунги ёшларга ҳавас қилиб айтаемизки, биз узоқ йиллар мактабда дурс бериб, жамоат фаоли бўлиб бутун миллатни бирлаштирадиган бундай китобхонлик ҳаракатини кўрмаганимиз. Энди айтинг, йиллик мукофот фонди 240 минг доллар, биринчи ўринни олган 50 минг доллар, қаерда буюк бундай эзгу ҳаракат!

Давлатимиз раҳбари ушбу янги ва кенг миқёсдаги китобхонлик ҳаракати моҳиятини тушутирар экан, "Ҳар қандай миллатнинг буюклиги, аввало, унинг илмга бўлган муносабатида, китобхонлик маданиятида намоён бўлади. Бугун старт олаётган дастур мамлакатимизда китобхонликни мутлақо юксак даражага олиб чиқишига ишончим комил", деб шўнарадимиз руҳлантирди.

Шундай эзгу мақсадлар юртимизни китобхон мамлакатга айлантиришни ўйлаб, биз бекободликлар ҳам чексиз куч ва илҳомга йўғрилдик. Фарзандларимиз, келажак авлодларимиз тақдирини ўз қўли билан кўп қайғураётган Президентимизга дил-дилимиздан раҳматлар айтдик. Умуман, давлатимиз раҳбарининг зиёлиларга, китобхонларга, адиб ва шоирларга, маданият ва санъат намояндаларига кўрсатаётган чексиз эътибор ва эътирофи учун биз ўқитувчилар ва ижод аҳли ҳаммиша чукур таъзимдаимиз. Сўзимиз ниҳоятда мамлакатимиз етакчисига ваъда бериб айтаемизки, Бекобод тумани миллий китобхонлик ҳаракатида ҳам энг илғор ва пешқадам ҳудудлардан бири бўлади. Чунки энди бекободликлар қалбида Президентимизнинг улкан ишонч ва эътиборлари ҳамда "Ёш китобхон" танловининг унутилмас таассуротлари ўчмас маънавий имзо бўлиб муҳрланди.

Умийа ҲАЙДАРОВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси
Ашурали БОЙМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир,
"Дўстлик" ордени соҳибига
Ғанимат АБДУҒОФУРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
(*"Янги Ўзбекистон"* газетасининг 2026 йил 2 июнь сонидан)

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ: ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН МАЪНАВИЙ ИМЗО

**Китоб узра
Ватан жамланди**

18 май кунини туманимизнинг кенг жамоатчилиги иштирокчида жонахон Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларидан келган 42 нафар билимдон ва китобхон фарзандимизни, уларга хамроҳлик қилган бобо-бувиларини, ота-оналарини, нуфузли ҳакамлар ва Ёшлар ишлари агентлиги масъулларини катта шодидона руҳи, қарнай-сурнай садопарни ва нон-туз билан қутиб олди.

Президентимиз нутқларидан бирида "Китоб ўқишга иштиёқманд, илмга чанқоқ ва зеҳнли фарзандларимиз тимсолида кўз олдимизда буюк аждодларимизга муносиб маърифатли авлод шаклланимоқда", деган эди. Дарҳақиқат, автобусдан тушиб келаётган 10-30 ёшли китобхонлар ана шу ишонч билан айтилган сўзларнинг ҳаётий исботи эди.

Уларнинг ҳар бирини худди ўз фарзандларимиздек бағримизга маҳкам босдик, чин дилдан қутладик, республика босқичида омадлар тиладик. Чунки улар финал босқичига етиб келгунича қанча тунларни тонгларга улаб, муталоа қилганини, мактабдан, олийгоҳдан, турмуш қурган қизлар эса уй юмушларидан, боладан, қайнона-қайнота хизматидан ортиб, тунлар китобга машғул бўлганини биз ҳам чуқур англаймиз.

Уларни туман ихтисослаштирилган мактаб биносидан пухта тайёрланган ва асосий беллашувлар бўлиб ўтадиган павильонга кузатиб қўяр эканмиз, биз – бекободликлар ҳам ота-оналар ўз фарзандларини кузатиб турадиган катта мониторлар таъриф буюрган ёш китобхон, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Дилафруз Тўйчиева гарчи жисмоний имконияти чекланган бўлса ҳам, бутун танлов давомида кучли билим ва матонатини намоийш қилгани нафақат иштирокчилар, балки Бекобод ёшлари учун ҳам ибрат бўлди.

"Мен 8 марта операция бўлганман, – деди Дилафруз. – Оғир тушқунликда юрган кезларим мана шу китобхонлик танлови ҳақида эшитиб қолдим. Мени ҳаётга қайтарган, ўзимга ишончини уйғотган ушбу танлов тўғрисида янгидан турилгандек ҳис қилганман ўзимни!".

Ёши автохалокат тўғрисида турмуш ўртоғи бевақт вафот этиб, икки фарзандини ёлғиз улағайтираётган сурхондарёлик иштирокчи Фазилат Диерова кўрсатган энг юқори натижа ҳам барчани бирдек ҳайратга солди.

"Бойимга тушган қутилмаган бахтсиз ҳодисани ва айрилиқ дардини фақат китобхонлик орқали енгиб келмоқдаман. Бугун голиблик шохсупасида турарканман, кўз олдимдан ўша оғир кунлар бир-бир ўтмоқда. Бироқ китоблар олами мени ҳаммиша қайғу ва тушқунликдан асради. Бунинг учун кунлар бир-бир ўтмоқда. Бироқ китоблар олами мени ҳаммиша қайғу ва тушқунликдан асради. Бунинг учун кунлар бир-бир ўтмоқда. Бироқ китоблар олами мени ҳаммиша қайғу ва тушқунликдан асради."

Шунда тушундикки, китоб ва муталоа фақат маънавий озуқа ва илм эмас, ҳаётнинг пасту баланд синовларидан инсон иродасини тоблайдиган, унга руҳан мададкор бўладиган мўъжиза ҳамдир.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоси, севимли шоиримиз Эшқобил Шукур танаффус пайтида бир ифтихорни



ота-оналарнинг дуоси, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг юксак ишончи барча иштирокчиларга бешта шарт давомида мустаҳкам қанот бўлди.

Айниқса, Наманган вилоятидан таъриф буюрган ёш китобхон, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Дилафруз Тўйчиева гарчи жисмоний имконияти чекланган бўлса ҳам, бутун танлов давомида кучли билим ва матонатини намоийш қилгани нафақат иштирокчилар, балки Бекобод ёшлари учун ҳам ибрат бўлди.

"Мен 8 марта операция бўлганман, – деди Дилафруз. – Оғир тушқунликда юрган кезларим мана шу китобхонлик танлови ҳақида эшитиб қолдим. Мени ҳаётга қайтарган, ўзимга ишончини уйғотган ушбу танлов тўғрисида янгидан турилгандек ҳис қилганман ўзимни!".

Ёши автохалокат тўғрисида турмуш ўртоғи бевақт вафот этиб, икки фарзандини ёлғиз улағайтираётган сурхондарёлик иштирокчи Фазилат Диерова кўрсатган энг юқори натижа ҳам барчани бирдек ҳайратга солди.

"Бойимга тушган қутилмаган бахтсиз ҳодисани ва айрилиқ дардини фақат китобхонлик орқали енгиб келмоқдаман. Бугун голиблик шохсупасида турарканман, кўз олдимдан ўша оғир кунлар бир-бир ўтмоқда. Бироқ китоблар олами мени ҳаммиша қайғу ва тушқунликдан асради. Бунинг учун кунлар бир-бир ўтмоқда. Бироқ китоблар олами мени ҳаммиша қайғу ва тушқунликдан асради."

Шунда тушундикки, китоб ва муталоа фақат маънавий озуқа ва илм эмас, ҳаётнинг пасту баланд синовларидан инсон иродасини тоблайдиган, унга руҳан мададкор бўладиган мўъжиза ҳамдир.

алоҳида таъкидлади: "Бу йилги барча қатнашчилар фавқуллода зукко ва билимдон. Бу, ҳеч шубҳасиз, юртимизда китобхонликка бўлган эътиборнинг йил сайин ривожланиб бораётганини мевасидир".

Чиндан ҳам, улкан экранлар орқали ҳар учала ёш тоифасидаги китобхон болаларнинг чиқишини кузатар эканмиз, Қорақалпоғистондан Андижонга, Тошкентдан Сурхондарёга-ча бўлган ҳудудлардан келган бу билимдонлар ўз ҳудудлари шарафини ҳимоя қилиш ҳамда Президентимиз совғасига муносиб бўлиш учун бор куч-ғайратини, салоҳиятини ишга солди. Майдонда – кучлилар, уларнинг билимига бош мезон эса адолат бўлди.

Фарзанди саҳнага чиққанда мунитор қаршида кўзда ёш билан теппа-тег пичирлаётган ота-оналар, набирасини дуо қилиб турган бобо-бувилар, шоирлик ортидан ларвона бўлган устозлар, опаси ё акасини қўллаб-қувватлаш учун келган жажжи ва мурғак издошлар – буларнинг бари Бекобод туманига янги илҳом ва бетакрор ҳиссиётлар бахш этди.

Бизни ҳаяжонлантирган яна бир қувонччи ҳолатни ҳам айтишимиз жоиз. Бекобод туманидаги 42-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, оддий сувчининг фарзанди Одинахон Сувоқуллова бу йилги "Ёш китобхон" танловининг республика босқичида 10-14 ёшлилар ўртасида иштирок этгани, Тошкент вилояти ва туманимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани қалбларимизни ғурурга тўлдирди.

Аввалроқ бу китобхон қизимиз "Kitobxon kids" республика танловидан фахрли 1-ўринни қўлга киритган эди. Одинахоннинг ушбу ютуғи туманимизда китобхонлик маданиятини ривожлантиришда ажойиб намуна бўлди ва унинг хонадонидан туман жамоатчилиги томонидан 5000 та китобдан иборат кутубхона ташкил этиб берилди. Энди 14 ёшли қизчаимизнинг уйда ўзи шахсий кутубхонаси бор.

Президентимизнинг эзгу мақсадлари ҳам аслида шу, яъни ҳар бир оила китобга дўст бўлсин, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз китоб билан бирга улғайсин. Чунки оилаларда китоб ўқиши жамиятнинг юксалиши ва ютуғидир.

Бундай эзгу ишлар жадал давом эттирилиб, тумanning бош майдонидан Бекобод марказий кутубхонасини барпо этиш бошланди. Барча шароитларга эга бўладиган замонавий бу зиё маскани мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши ҳақида

эшитиб, бир қувончимизга ўн қувонч қўшилди. Бундай кутубхоналар энди тумандаги 51 та маҳалланинг ҳар бирида ташкил этиладиган бўлди.

Шунингдек, ўтган бир йил давомида "Ҳар мактабга 100 китоб" ташаббуси ва бошқа маданий тадбирлар доирасида 60 та умумтаълим ва 3 та хусусий мактабга 20 мингта энг сара адабиёт совға қилинди.

Ушбу китобларни топшириш тадбирлари чинакам маърифат байрамига айланиб кетди. Чунки ушбу тадбирлар доирасида туманимизга 500 дан зиёд олим, таниқли шоир ва ёзувчилар, сенаторлар, журналистлар ва санъаткорлар таъриф буюрди.

Ўтган йили туманимизда Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини муносабати билан ўтказилган Ҳосил байрами бир ажойиб жиҳати билан қўнчиликнинг ёдида қолди. Яъни ушбу байрамга бағишлаб ташкил этилган улук-қўлқари мусобақасида бош соврин сифатида 1000 та китоб қўйилгани, моҳир чавандоз ва полвонлар айнан мана шу гоёт қимматли маънавий бойликка эришиши учун астойдил куч синачгани бутун республикага хушхабар бўлиб ёйилди.

Туманимизда китобга бўлган шундай ҳурмат-эҳтиром "Ёш китобхон" танлови бу йил айнан Бекободимизда ўтказилишига пойдевор бўлгани биз, зиёлилар қалбини чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал китобхонлик ҳақида сўзлаганида "Биз бугун болаларимизнинг қўлига китоб берсак, эртага улар мамлакатимизга буюк кашфиётлар ва улғувор ишлар тўхфа этадилар", деб таъкидлади.

Биз бу сўзлар нақадар ҳақиқат эканига Бекобод бағрини китобнинг завқу шавақига тўлдирган ёшлар, муталоа маданиятига янада кучли туртки берган "Ёш китобхон" танлови мисолида гувоҳ бўлдик.

МУҲТАШАМ ЯКУН

Тўрт кун давомида барчанинг қалбига муҳрланиб улғурган муҳим танлов ниҳоясига етиб борар экан, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев жуда қувончли хабарни етказди. Яъни "Ёш китобхон" танлови тарихида илк мартабада бош соврин, яъни Президент совғасини бу йил давлатимиз раҳбарининг шаҳсан ўзи топширади. Ана энди ёшлар кўзидоғи фахру ифтихорни, ота-оналар қалбидоғи шодликни кўринг!

Танлов жараёнидаги ҳис-ҳаяжонлар бир тараф бўлди-ю, ушбу хушхабар шодлиги ҳаммани руҳлантириб юборди. Ўзининг тасаввур қилинг, муносиб иштирокчилар ва голибларни шаҳсан Президентимизнинг ўзи қутласа, барча иштирокчилар билан шаҳсан учрашса, бу катта бахт-ку ахир!

Ниҳоят натижалар эълон қилиниб, Бекобод тумани бағри табриқлар шодон қийқириқлар, севинч кўз ёшларига гулдасталарга тўлган бир пайтда биз – бекободликлар ҳаммадан ҳам хурсанд эдик.

Боиси, чекка ва опис, қоқоқ туман деб атаб келинган Бекободимиз китобхонлик ва маърифат тантанасига мезбонлик қилди. Ушбу танловни юқори савияда ўтказишдек ишонччи оқлашга бутун жамоатчилик бирлашиб ҳаракат қилдик.

Тадбир якунида сўз олган ҳайъат

▼ “Тошкент ҳақиқати” йўқлови

Инсоннинг ҳақиқий бойлиги мансаб ёки давлати эмас, балки халқ қалбида қолдирган изидир. Ортага назар ташланганда, қилинган савоб ишлар, эл хизматига бағишланган йиллар ва инсонларга улашилган эзгуликлар қадр топади. Шундай инсонлар борки, уларнинг меҳнати бир эмас, бир неча авлод маънавиятига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ижодкор Нуриддин Аминжонов ана шундай фидойи инсонлар сирасига қиради.

ҚЎШИҚҚА, СЎЗГА ва ХАЛҚҚА САДОҚАТ –

Нуриддин Аминжонов умрининг мазмунидир



Унинг номи ўзбек маданияти, адабиёти, қўшиқчилиги ва халқ ижоди билан чамбарчас боғланган. “Дилхирож”, “Айла табассум”, “Интизор кутдим”, “Армонли дунё”, “Қўшиқда кўраман оламни”, “Турпроги зар, суви гавҳар”, “Кўнглиминг суварати”, “Шукрона”, “Урмимиз боқийдир, умримиз боқий”, “Иллар қўшиғи”, “Севмай бўлурми сизни”, “Изхори дил”, “Асрларга йўлдош Навоий” каби китоблари унинг сермаҳсул ижодидан дарак беради.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган нақл бор. Нуриддин Аминжоновдан эса китоблар, қўшиқлар, радио дастурлар, шогирдлар ва энг муҳими, маънавий мерос қолмоқда.

Устоз ижодкор Чустда туғилган бўлса-да, тақдир уни Чиноз туманидаги Эски Тошкент қишлоғига олиб келди. Болалигининг оидин тунлари, самимий сўхбатлар, меҳрибон инсонлар ва қишлоқ ҳаёти унинг қалбида адабиёт ва санъатга меҳр уйғотди. Илк шёрлар ҳам ана шу муҳитда дунёга келди.

1961 йилда Тошкентдаги матбаачилар билим юртига ўқишга кирган ёш Нуриддин санъатга янада

яқинлашди. Республика маданият саройидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларида қатнашиб, машҳур санъаткорлардан сабоқ олди. Бу машаққатли машқлар уни 1965 йилда Ўзбек давлат филармониясига етаклади.

Кейинчалик Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган йиллари ижодкор учун ҳақиқий камолот даври бўлди. Адабий муҳит, устозлар насиҳати ва изланишлар унинг истеъдодини чархлади. Талабалик пайтида ташкил этган “Дилнавоз” ансамбли эса унинг ташаббускорлиги ва ташкилотчилик иқтидорини намоён этди.

1972 йилдан бошланган телерадио соҳасидаги фаолияти Н.Аминжонов ҳаётининг энг сермаҳсул саҳифаларидан бири бўлди. Муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, шарҳловчи ва бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаб, мил-

ли маданиятимиз ривожига беқибс ҳисса қўшди.

Айниқса, Республика бўйлаб сафар қилиб, халқ ҳаваскорлари ва хонандалар ижросидаги қарийб 15 минг мусикий асарни тасмаларга муҳрагани маданий меросимизни сақлаб қолиш йўлидаги улкан хизматдир. Бугун радио “Олтин фонди”да сақланаётган кўплаб ноёб ёзувларда унинг меҳнати мужассам.

Нуриддин Аминжоновнинг яна бир буюк хизмати – бахшчилик санъатини асраш ва тарғиб қилиш йўлидаги фаолиятидир. Унинг ташаббуси билан ўнлаб достонлар тасмаларга ёзиб олинди, халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари келажак авлодларга етказилди. “Азим дарё”, “Бахшилар куйлаганда”, “Бахшилар баёти” каби эшиттиришлар нафақат тинловчилар меҳрини қозонди, балки миллий ўзгичимизни асрашга хизмат қилди. Зеро, дўмбира

Зикрилла МУҲАММАД,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири

▼ Шахсий фикр

НАҚД ПУЛДАН ВОЗ КЕЧИШ ҚУЛАЙЛИКМИ ЁКИ ЗАРУРАТ?

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти туб ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Бу жараёнда энг муҳим омиллардан бири сифатида рақамлаштириш ва нақдсиз тўловлар тизимига босқич-ма-босқич ўтиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда рақамли технологиялар иқтисодиётнинг барча соҳаларига чуқур кириб бориб, молиявий муносабатларнинг янги моделини юзага келтирди. Илгари асосан нақд пул айланмасига таянган ҳисоб-китоблар ҳозирда электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилмоқда. “Click”, “Payme” ва бошқа мобил платформалар ёрдамида бир неча сония ичида тўловларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлиши иқтисодий муносабатларнинг тезлиги ва самарадорлигини кескин оширди.

Бугунги кунда рақамли тўловлар оддий қулайлик эмас, балки иқтисодиётнинг ишлаш механизмларини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, мамлакатда нақдсиз тўловлар ҳажми 300-400 триллион сўмдан ошиб, йил сайн 20-30 фоиз ўсиш суръатини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, чакана савдо операцияларининг 60 фоиздан ортиғи нақдсиз шаклда амалга ошириляётгани, мобил банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг 25 миллиондан ошиб

Барча операцияларнинг электрон тарзда қайд этилиши яширин иқтисодий фаолият ҳажмини қисқартириб, солиқ тушумларининг барқарор ўсишига хизмат қилмоқда. Бу эса давлат бюджети барқарорлигини мустаҳкамлаш, молиявий тизимни шаффофлаштириш ва иқтисодий бошқарув сифатини оширишга олиб келмоқда. Шу билан бирга, рақамли молиявий хизматларнинг кенгайиши чекка ҳудудларда ҳам аҳоли учун янги имкониятлар яратиб, банк хизматларидан фойдаланишни осонлаштирмоқда.

Қайд этиш жоизки, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ортидан янги иқтисодий йўналишлар – электрон савдо, финтех хизматлар ва онлайн бизнес платформалари тез суръатларда оммалашиб, янги иш ўринларини яратмоқда. Бу жараён мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтишига хизмат қилиб, рақобатбардошликни оширмоқда. Шу билан бирга, рақамли секторнинг кенгайиши меҳнат бозорида янги касблар ва компетенцияларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Албатта, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши билан бир қаторда муайян муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, киберхавфсизлик масаласи, молиявий фибрибгарлик хавфи, интернет инфратузилмасининг ҳудудлар бўйича нотенг ривожлангани ҳамда



аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир. Бу муаммоларни бартараф этиш рақамли иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, давлат ва банк тизими ва жамият ҳамкорлигини талаб этади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда нақдсиз тўловлар тизимига босқич-ма-босқич ўтиш жараёни иқтисодиётни тубдан ўзгартирувчи стратегик ислохот сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараён иқтисодий самарадорликни оширмоқда, молиявий тизимни шаффофлаштирмоқда ва бозор муносабатларини янги босқичга олиб чиқмоқда. Келажакда рақамли тўловлар тизимининг янада кенгайиши Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётга асосланган замонавий давлат сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Шаҳноза ХОЛБЎТАЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти

▼ Саломатлик

САРАТОН КАСАЛЛИГИ:

УМИДСИЗЛИК ДЕГАНИ ЭМАС!

Инсон ҳаёти давомида кўп нарса учун курашади: яхши уй-жой, муносиб турмуш, фарзандлар келажаги, обрў-эътибор, моддий фаровонлик. Аммо шундай бир бойлик борки, у йўқолса, қолган барча неъматлар ўз аҳамиятини йўқотади. Бу – соғлиқ.



Дунёда энг узоқ умр кўрувчи халқлардан бири сифатида японлар кўп тилга олинади. Бунинг сабаби фақат замонавий тиббиётда эмас. Улар ҳаёт тарзига алоҳида эътибор қаратади: меъёрда овқатланади, кўп ҳаракат қилади, етарлича дам олади, асабийликдан қочади ва энг муҳими, соғлиқни ҳар қандай бойликдан устун қўяди.

Афсуски, бизда аксинча ҳолатлар ҳам учраб туради. Кимдир катта уй қуриш, қимматбаҳо машина олиш ёки дабдабали тўй қилиш илинжида йиллаб тинмай меҳнат қилади. Кредит, рўзгор ташвиши, доимий чарчоқ ва асабийлик эса саломатликка жиддий таъсир қўраётганини кўпгина нутиб қўямиз. Одам мол-дунёсини кўпайтиришга урингани сари ўзининг энг катта бойлиги – саломатлигига етарлича эътибор бермайди.

Ваҳоланки, соғлиқ кетса, уй ҳам, машина ҳам, бойлик ҳам инсонга тўлиқ бахт бера олмайди. Шу боис оғир хасталиклар, айниқса, саратон каби касалликлар ҳақида етарли

маълумотга эга бўлиш, унинг олдини олиш ҳар бир инсон учун ҳаётини аҳамиятга эга.

Кўпчилик “саратон” деган ташхисни эшитиши билан уни ўлим ҳукми сифатида қабул қилади. Аслида эса бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Бугунги тиббиёт имкониятлари саратоннинг кўплаб турларини эрта босқичда самарали даволаш имконини бермоқда. Муаммо шундаки, одамлар аксарият ҳолларда касалликка кеч эътибор қаратади.

Саратон – организмдаги ҳужайраларнинг назоратсиз кўпайиши натижасида юзага келадиган касаллик. Унинг келиб чиқишига турли омиллар сабаб бўлиши мумкин. Тамак тўтун, ҳаво ифлосланиши, канцероген моддалар сақлаган озиқ-овқат маҳсулотлари организм ҳужайраларини шикастлайди. Айрим вирус ва бактериялар ҳам хавфни оширади. Масалан, гепатит В ва С вируслари жигар саратонига, инсон папиллома вируси бачадон бўйни саратонига, Helicobacter pylori

бактерияси эса ошқозон саратонига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, сурункали яллиғланиш касалликлари, ортиқча вазн, камҳаракатлилик, нотўғри овқатланиш, доимий стресс ва руҳий босим ҳам организмнинг ҳимоя қобилиятини заифлаштириб, онкологик хасталиклар хавфини кучайтиради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, соғлом турмуш тарзи орқали саратон касалликларининг катта қисмини олдини олиш мумкин. Бунинг учун аввало зарарли одатлардан воз кечиш, сабзавот ва меваларни кўпроқ истеъмол қилиш, ёғли ва сунъий қўшимчаларга бой маҳсулотларни камайтириш муҳим. Шунингдек, ҳар куни камида ярим соат жисмоний фаоллик билан шуғулланиш, етарлича ухлаш, стрессни ка-

майитириш ва ортиқча вазн йиғилишига йўл қўймаслик керак.

Энг муҳими, инсон ўз саломатлигига бефарқ бўлмаслиги лозим. Чунки саратоннинг кўп турлари дастлабки босқичда деярли белгисиз кечади. Айнан эрта ташхис эса муваффақиятли даволаниш имкониятини бир неча баробар оширади. Шу боис мунтазам тиббий кўриқдан ўтиш, шубҳали белгиларга бепарво бўлмаслик зарур.

Қолаверса, гепатит В ва HPV каби инфекцияларга қарши эмланиш ҳам кўплаб хавфли касалликларнинг олдини олади.

Инсон кўпгина йиллаб бойлик ортириш учун меҳнат қилади, аммо соғлиғи учун вақт ажратишни ортага суради. Ҳолбуки, инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг мол-мулки эмас, балки соғлом ҳаётдир. Саратон кўриничли ташхис бўлиши мумкин, лекин бу ҳар доим ҳам умидсизлик дегани эмас. Энг тўғри йўл – касалликни даволашдан аввал унинг олдини олиш, ўз вақтида текширувдан ўтиш ва соғлом ҳаёт тарзини танлашдир.

Зеро, шифокор касалликни даволайди, саломатликни асраш эса инсоннинг ўз қўлида.

Нориниса БАҲРОМОВА,
Пискент тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокори

▼ Эълон

«KAPITAL SUG'URTA» AJ
Бош директор лавозими учун танлов эълон қилади

Номзодларга қўйилади-ган талаблар:

- Ўзбекистон Республикасида олий иқтисодиёт молия ёки суғурта йўналишлари институтлари маълумоти ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан эквивалент тарихида олий деб тан олинувчи чет эл ўқув юртларини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахс;
- жорий ёки ўтган йилда олинган малака ошириш ёки қайта тайёрлаш тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлиги;
- суғурта соҳасидаги ташкилот ва корхоналарда маъмурий ва бошқарув ходими сифатида камида 3 йиллик иш тажрибаси;
- юқори лавозимларда камида 3 йиллик тажриба (директор, директор ўринбосари, менежер, ва бошқалар);
- суғурта соҳасида халқаро мақомлар бўлиши;
- суғурта соҳасида халқаро амалиётни тугатганлиги;
- суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини билиши;
- Кузатув Кенгаши аъзолари билан оилавий алоқаларнинг йўқлиги;
- иқтисодиёт ёки менежмент соҳасидаги жиноятлар учун судланганлик ҳолати йўқлиги;

– юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда ва эътироф этилган пайтдан бошлаб бир йил ўтган бўлса, яқка ҳолда ижро этувчи орган функцияларини бажармаган ёки коллегиял ижро этувчи орган таркибига кирмаган шахслар.

Тил билиш: ўзбек ва рус тилида эркин мулоқот қилиши, инглиз ёки немис тилини билиши устунлик беради.

Танловга ҳужжат топшириш: танлов тақлифлари ва ҳужжатлар ёпиқ конвертда, устки қисмида номзоднинг иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

Ҳужжатларни қабул қилиш манзили: Ўзбекистон Республикаси, Индекс: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 5-тор кўчаси, 4-уй.

Номзод компанияга тақдим этилган маълумотларни тўғрилиги, долзарблиги ва асослилиги учун жавобгардир.

Ҳужжатлар 2026 йил 5 июнь соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумот ва мурожаатлар учун телефон:
71-200-11-00
(ички - 104)

Юз йилликка туташган овоз

Ёш Очилхоннинг иқтидорини англаган янгийуллик меҳнат қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов уни бадиий ҳаваскорлар тугарагига жалб қилди. Кейинчалик Жалил Махсум, Эшонбохон, Кўкхон ва Афандихон ҳофизлардан олган сабоқлари унинг ижодий камолотида муҳим аҳамият касб этди.

1959 йилдан Янгийул театрида иш бошлаган Очилхон Отахонов миллий маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. Унинг санъатга кириб келиши оддий ижрочининг тирикчилик учунгина саҳнага чиқиши эмас, балки мумтоз musiқага муҳаббат билан яшайдиган инсоннинг халқ хизматида бел боғлаши эди. Ҳофизнинг ижросида Алишер Навоий, Бобур, Фузӯлий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Огаҳий каби мумтоз шoirлар ғазаллари янги ҳаёт касб этди. Қўшиқлардаги ҳар бир сўз, ҳар бир оҳанг ҳофизнинг қалбидан ўтиб, тингловчи юрагига етиб борарди. «Топмадим», «Ким десун», «Жонима роҳат», «Қаландар», «Фарғона тонг отгунча», «Самарқанд ушшоғи», «Эҳтиёж», «Фигон» каби асарлар халқнинг сеvimли қўшиқларига айланди. Навоий ғазаллари асосида ижро этилган «Сайқал», «Талқин Баёт», «Сарахбори Оромижон» каби дурдоналар эса мақом мухлислари учун ҳақиқий маънавий бойлик бўлиб қолди.

Юнус Ражабий номидаги «Мақом» (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ансамблдаги фаолияти давомида у Фарғона-Тошкент мақомчилик мактабининг муносиб давомчиларидан бири сифатида танилди. Миллий musiқамизнинг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш йўлидаги хизматлари эса алоҳида таҳсинга лойиқ.

1992 йилда унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи»



фахрий унвонининг берилиши нафақат бир санъаткорнинг меҳнатига берилган баҳо, балки миллий мақом санъатига бўлган эҳтиромнинг ҳам ифодаси эди.

Очилхон Отахонов 2004 йилнинг ноябрида оламдан ўтди. Бироқ унинг овози сукутга чўкмади – радио тўлқинларида, архив ёзувларида, шогирдлари ижросида ва энг муҳими, халқ қал-

бида яшашда давом этмоқда. Чунки у куйлаган қўшиқлар шунчаки қўшиқ эмас, миллат руҳиятининг ифодаси эди...

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан марҳум санъаткорга «Меҳнат шухрати» ордени берилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков, Тошкент вилояти ва Ян-

гийул тумани фаоллари, нурунийлар ҳамда ёшлар марҳум санъаткорнинг «Озод» маҳалласидаги хонадонига бўлиб, унинг фарзандлари ва яқинларига юсак муқофоти топширдилар.

Шундан сўнг йиғилганлар «Олтин-обод» қабристонига бориб, Куръон тиловат қилдилар. Бу зиёрат нафақат бир инсон хотирасига, балки бутун бир мақом мактаби ва унинг маънавий меросига чўқур эҳтиром рамзи бўлди.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

▼ Ёз – 2026

ТАЪТИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАНЗИЛИ

Ёзги таътил болалар учун нафақат дам олиш, балки янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, иқтидорини намоён этиш учун ҳам муҳим даврдир. Шу боис мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу йўлда мактаблар қошида ташкил этилаётган кундузги соғломлаштириш майдончаларининг ўрни бўлаққа.

Юқори Чирчиқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ана шундай масканлардан бири. Бу ерда болаларнинг дам олиши, соғломлашиши ва ўз қизиқишлари бўйича машғулотлар билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Оромгоҳга 50 нафар ўқувчи қамраб олинган бўлиб, улар учун 90 кун давомида спорт, тасвирий санъат, китобхонлик, моҳир қўллар, musiқа ва компьютер саводхонлиги бўйича турли машғулотлар ташкил этилган. Шунингдек, болалар учун қизиқарли фильм ва мультфильмлар намойиши, театр ва концерт дастурлари ҳам режалаштирилган.



– Мактабимизда ҳозирги кунда 532 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, – дейди мактаб директори Шерзод Мунисалиев. – Жорий ўқув йилида 47 нафар битирувчи 11-синфни муваффақиятли тамомлади. Улардан икки нафари олтин, бири эса кумуш медаль соҳиби бўлди. Айни кунларда эса «Қалдирғоч» соғломлаштириш майдончасида ўқувчилар ёзги таътилни мароқ билан ўтказмоқдалар. Оромгоҳда тажрибали ўқитувчи ва мураббийлар фаолият юритмоқда.

Айниқса, бу ерда китобхонликни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда «Мен севган китоб», «Мен севган қаҳрамон», «Китоб – менинг дўстим» каби маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Бу эса болаларнинг мурожаат бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, шахмат-шашка, футбол, волейбол, баскетбол ва теннис бўйича мусобақалар, қўшиқ ва рақс танловлари ҳам ташкил этилади. Бундай тадбирлар ўқувчиларда жамоавийлик, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш билан бирга, уларнинг ижодий ва жисмоний имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, мазкур оромгоҳ болалар учун янги таассуротлар билан бошланди. Бу ердаги ҳар бир машғулот, ҳар бир тадбир ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб камол топишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёзги соғломлаштириш майдончалари болаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларни билимга, спортга ва ижодга ошно қилишда муҳим ўрин тутмоқда. «Қалдирғоч» оромгоҳи фаолияти эса ана шу эзгу мақсадларнинг амалдаги ёрқин намунаси.

Латиф МАНСУРОВ

Чоршанба сабоғи

БЕМИННАТ ҲИММАТ

Ҳаётингда икки инсоннинг ҳиммати ва хизмати кўп-у, лекин кўзингга кўринмайди. Улар:

- отаннинг сенга қилган ҳиммати;
- онангнинг сенга қилган хизмати.

Агар шу харажат ва хизматни бегона одамдан кўрганингда, бутун умр ундан уялиб, бирор марта ҳам кўнглига озор беролмасдинг. Лекин, отанг ва онангга ғазаб қила оласан, адоват қила оласан, миннат қила оласан, кўнглини оғрита оласан. Чунки, уларники кўринмайди...

К.САЛОМОВА тайёрлади

Бўстонликда “Болажонлар сайли”

1 июнь – Халқро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Ички ишлар вазирлиги ташаббуси ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида саратон ва оқсон касаллиги билан даволанаётган болалар, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш вақтида фожиали вафот этган ходимларнинг фарзандлари учун «Болажонлар сайли» ташкил этилди.

Бўстонлик туманида ўтказилган тадбирда жами 50 нафарга яқин болалар иштирок этди. Жумладан, 20 нафар оқсон ва саратон касаллиги билан даволанаётган болалар ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари учун мазмунли дам олиш ва кўнгилочар дастурлар ташкил этилди.

Тадбирда ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ўринбосари, подполковник Саҳипжамал Джолдасова, масъул раҳбарлар, профессионал боксчи Исроил Мадримов ҳамда «Сен кучлисан» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Маржона Нурмуҳаммедова иштирок этди.

Дастур доирасида болажонлар Бўстонлик туманидаги «Чиноркент» дам олиш маскани, «Оқтош» болалар оромгоҳи ҳамда Тошкент вилояти ИИББ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармасида бўлди. Улар учун турли кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилди.

Шунингдек, болалар учун махсус техникалар кўргазмаси, кўргазмалли чиқишлар ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилиб, эсдалик совғалари улашилди.

ЎЗА

Кичкина доктор: “Ҳаммаси яхши, шўхликда да- вом эта- миз!”



Аввал уй қурайлик, томни кейин ёпамиз!

1 июндан газ ва электр нархи ошишини, энди машинани тўхташ мумкин бўлмаган жойга қўйиб кетсангиз, «тойчоғингиз»ни жарима майдончасидан олиб чиқишингизни ёзиб ўтирмайман. Ахир, бу ҳақда ёзмаган сайт, телеграм канал қолмади ҳисоб.

Худога шукр, иссиқ кунлар бошланди, газнинг унча кераги йўқ, кондиционер ишлат-

масак ҳам ўлиб қолмаймиз. Бироқ, табиатнинг неъматларидан ҳамма қатори фойдаланаётганимиз айримларга ёқмайди шекилли, ўтириб олиб нарх оширишни ўйлайди. Шу «ташаббус» билан чиқиб, ўзини кўз-кўз қилгиси келса керак-да!

Хуллас, бир нарсага тўшунмайман: на бозорларда, на савдо мажмуаларида тагинли парковка йўғу, аммо ҳар

қадамда Х белгилар бор. Бир кўни Янги ТошМИ тарафга бориб, зарурат учун дорихонага бирров тушиб, шундоқ чиқсам, «меҳрибон акаларимиз» жарима ёзиб улгуришган экан. Шу ерда «стоянка» бўлганда мен

албатта жойлардим, аммо ноилож қолгандан шундай қилдим. Менга ўхшаб иложсизликдан мана шу тарзда машина қўйиб кетаётганлар юзлаб, минглаб топилди.

ИЛТИМОС, аввал уй қурайлик, кейин томни ёпамиз. Турнани меҳмонга чақирган тулқининг ишини қилмайлик.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**

“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda” gazetalari
tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G’afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G’ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To’xtamurod HASANBOYEV

Mas’ul kotib

vazifasini bajaruvchi:

Nozima RASULOVA

Ekspeditör:

Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro’yxatga olingan.

Qabulxonasi: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 01:00. Nashr ko’rsatkichi – 205.

8 080 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-635.

Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aksiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko’chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6